Ishonch
2011-yil 22-fevral № 23 (2904)



# Таассурот ва тажриба

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгра тингловчилар заводнинг мажлислар залида корхона фаолияти, касаба уюшма қўмитаси ва хотин-қизлар кенгашининг амалий ишлари билан атрофлича таништирилди ҳамда уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди. Федерация Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Халилова, комиссия масъул котиби Мавлуда Шукурова, «Ўзэлектроаппарат-электрощит» ОАЖ қўшма корхонаси бош директор ўринбосари Шерзод Жалилов, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Ғайрат Зуннунов, Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Шоикром Исроилов ушбу қўшма корхона тажрибасини оммалаштириш, умуман, жамиятда аёлларнинг ролини янада ошириш юзасидан тегишли тавсиялар бериб ўтишди.

— Қўшма корхонамиздаги 960 нафар ишчи-хизматчининг 326 нафари аёллардир, — деди корхона хотин-қизлар кенгаши раиси Умида Раззоқова. — Жамоа ва жамиятда аёллар фаоллигини оширишга, уларга кенг имкониятлар яратишга интилмоқдамиз.

Фаоллар иш жараёни, хотин-қизларга яратилган шароитлар ҳавас қиларли даражада эканлигини эътироф этган ҳолда ташкилотчиларга «Ўзэлектроаппарат-электрощит» жамоасининг илғор тажрибасини ўрганишда яхши имконият яратиб берганликлари учун ўз миннатдорчилигини билдиришди.

— Хотин-қизларни, айниқса, ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олиш учун соғлом меҳнат шароитини яратишни корхона ўз зиммасига олган, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддас Мирзараҳимова. — Жумладан, жамоа шартномасига асосан бир қанча имтиёзлар яратилган бўлиб, турмуш қураётган ёшларни моддий рағбатлантириш, ҳомиладор аёлларга қўшимча таътил бериш, кам таъминланган аёлларнинг даволанишида кўмаклашиш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди.



Таъкидлаш жоиз, хотин-қизлар комиссияси фаоллари бир ҳафталик ўқув давомида ЎзКУФК мутахассисларининг Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятига бағишланган суҳбатларини, шунингдек, соғлом турмуш тарзи, хотин-қизлар меҳнатининг муҳофазаси, Меҳнат кодексининг аёлларга нисбатан амалиёти, тинчлигимизга таҳдид солаётган айрим бузғунчи оқимларнинг зарари ҳақида маърузалар тинглашди.

Айни пайтда, гендер тенглик ва ижтимоий шерикчилик, Халқаро меҳнат ташкилотининг фаолияти, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари аҳамияти юзасидан билдирилган фикрлар ўқувнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

* * *

***«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам қизиқарли ва очиқ мулоқот тарзида ўтди. Унда таҳририят ижодкорлари газета мазмун-мундарижаси, келгусидаги режалар ҳақида батафсил маълумот беришди.***

***Таҳририят меҳмонлари газета фаолиятини муносиб баҳолаган ҳолда нашрни мазмунан бойитиш юзасидан асосли таклифларини билдириб ўтишди.***

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Касаба уюшма ва ёшлар

# Ҳамкорлик — муваффақият омили

***Қаерда фан тараққий этса, ўша жойда ҳар жабҳада юксалиш бўлади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Фанлар академиясида амалга оширилган ишларга назар ташлар эканмиз, олимларимиз, айниқса, ёш тадқиқотчилар тафаккурида салмоқли эврилишлар бўлганини кўрамиз.***

Бугунги кунда академия тасарруфидаги 40 га яқин илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларда 97 нафар академик, 261 нафар профессор, 448 нафар фан доктори, 752 нафар катта илмий ходим, 1041 нафар фан номзоди, 387 нафар аспирант фаолият олиб бормоқда.

Академия ҳайъати, бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда ёшлар кенгаши ҳамкорликда талай ишларни амалга оширмоқда. Ёш тадқиқотчи, аспирант ва докторантларни ўзида бирлаштирган «Ёш олимлар кенгаши» ташкил қилинган бўлиб, уларнинг илмий изланишлари, инновацион лойиҳалари, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ таклифларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилотлари Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, фан муассасаларида иш ҳақига қўшимча тўлаш, ходимлар ва аспирантларга имтиёз яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини амалга оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан илмий-техника дастурларининг фундаментал амалий тадқиқотлари ва инновацион ишларини бажаришда қатнашадиган илмий ва раҳбар ходимлар маошига 50 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш, аспирантурага қабулни 50 фоизга кўпайтириш амалга оширилди. Шунингдек, ҳар йили Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи аспирантлардан икки нафарига устама стипендия тўланмоқда.



— Касаба уюшма қўмитаси Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда «Юксак маънавиятли оила ёш олимлар нигоҳида», «Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари» мавзуида республика илмий-амалий, Тарих институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар» мавзуида республика ёш олимларининг иккинчи илмий конференцияларини ўтказди, — дейди Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Тадбирлар доирасида «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион ғоя», «Энг яхши илмий раҳбар» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, қўмитамиз томонидан муносиб тақдирланди.

Жорий йилнинг 25 февралида академиянинг «Ёш олимлар кенгаши», Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Республика савдо-саноат палатаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан «Илғор илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари», 30 мартда эса «Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда акмеологик билимларнинг роли» мавзуларида илмий-амалий конференцияларни ўтказиш режалаштирилган. Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам ёш олимларнинг инновацион ғояларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига йўналтириш ҳамда энг яхши лойиҳа эгаларини рағбатлантириб, янги марралар сари руҳлантиришдир.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

лари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқуллаганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

— жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

— музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

— жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Жамоа шартномаларини тузишга оид мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (2008й. 29 декабр №76/1), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (2008 й. 29 декабр №ДЖ–05/641а) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2008 й. 30 декабр №11/АШ-07-2675) ўртасида келишилган жамоа шартномаси макети асосида ишлаб чиқилган.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

2

Буклаш чизиғи

4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.

10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.

13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.

14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек, бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи

15

Қирқиш чизиғи

га, хом ашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш.

2.4. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) касаба уюшма қўмитаси вакилларини корхона бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, иш берувчи билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиш;

д) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, корхонани бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ва дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни иш берувчига киритиб бориш;

е) ходимларни рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

ж) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

з) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш.

**III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.**

3.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш. Касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари.

3.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розлигини олиб амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

3.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

3.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар. *(Маълумот ўрнида: Халқаро*

4

Буклаш чизиғи

лари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадалларини корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолиш ҳамда касаба уюшмасининг ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.

14.4. Иш берувчининг:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин Касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятлари.

14.5. Касаба уюшма қўмитасининг:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломлаштирилиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

ж) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

з) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

и) ҳар хил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятлари.

14.6. Иш берувчининг касаба уюшмасига сайланган ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига

13

---

Кўклам тадориги

***Китоб тумани нафақат тарихи ва анъаналари, шунингдек, бетакрор табиати билан ҳам диққатга сазовор. Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмалари, ҳудуддан оқиб ўтувчи Оқсув ва Қашқадарё, «Асрлар садоси» биринчи анъанавий халқаро фестивали ўтган Қоратепа адирлари туманнинг чиройига чирой қўшади.***

## Тоғ бағридаги боғлар

Воҳанинг минглаб гектар токзорларида тоифи, ҳусайни, кишмиш, келинбармоқ, султони каби хўраки, «Саферави», «Баяншире», «Изабелла», «Мускат» сингари саноатбоп сершарбат узум навлари ўсади. Варганзанинг донадор анорлари, Сумак қишлоғининг нашватилари бутун республикага машҳур.

Вилоятнинг 60-65 фоиз узумини, 30-35 фоиз сабзавотини етказиб берувчи тоғлар орасидаги туманда «20 йилликка 20 тупдан кўчат экиш» ташаббуси кенг қўллаб-қувватланмоқда. Сербиядан олиб келинган серҳосил мева кўчатларидан, 12 гектарлик боғ яратган «Ҳайработ сервис» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

Тумандаги 4949 гектар узумзорнинг 3430 гектари, 2391 гектар боғнинг 1140 гектари яхши ҳосил бераётир. Қолган боғ ва токзорларнинг туп сони тўлдирилиб, янгитдан мевали кўчатлар ва ток экилди.

Ўзига хос деҳқончилик мактаби яратган туман миришкорлари, боғбонлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган фидойиларнинг иш тажрибалари вилоят бўйича оммалаштирилгани бежиз эмас, албатта.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

